

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2023 йил ноябрь ойининг 6-куни жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи Ж.Бахронов,

Судья ёрдамчиси Ш.Насиббековнинг котиблигида, тарафлардан Зафаробод туман прокурори катта ёрдамчиси Ш.Бахромов, судланувчи Э.А ва унинг ҳимоячиси Ф.Ваккасов, жабрланувчилар Ф.Ширинов, Ш.Пиримов ва Р.Хасановларнинг иштирокида, Э.Ага нисбатан юритилган 1-1309-2301/50-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Э.А - 1999 йил 12 февралда Жиззах вилояти, Зафаробод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, РФ Москва давлат қурилиш университети 4-босқич талабаси, буйдоқ, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED] яшайди, иш бўйича 2023 йил 7 май куни гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 12 октябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, иш ҳужжатлари билан танишиб, судланувчи ва жабрланувчилар ва гувоҳлар кўрсатувлари ҳамда тарафларнинг фикрини эшитиб, жиноят ишида тўпланган далилларни текшириб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Э.А, ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил сентябрь ойдан 2022 йил июль ойига қадар [REDACTED]

яшовчи Ширинов Фаррухжон Шавхиддин ўғлини Қозоғистон Республикаси “М.Авезов” номли университетга ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, алдаб, эвазига жами 1.400 АҚШ доллари (15.271.354 сўм қийматга тенг) миқдоридаги пулларни қўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, жабрланувчи Ф.Шириновга қиймати 15.271.354 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Э.А, такроран, ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил сентябрь ойдан 2022 йил июль ойига қадар [REDACTED] яшовчи

Пиримов Шохрух Нодир ўғлини Қозоғистон Республикаси “М.Авезов” номли университетига ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, алдаб, эвазига ундан жами 1.400 АҚШ доллари (15.271.354 сўм қийматга тенг) миқдоридаги пулларни қўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига



ишлатиб юбориб, жабрланувчи Ш.Пиримовга қиймати 15.271.354 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Э.А., такроран, ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил сентябрь ойидан 2022 йил июль ойига қадар давомида [REDACTED]

[REDACTED] уйда яшовчи Хасанов Рўзимурод Турсунбой ўғлини Қозоғистон Республикаси “М.Авезов” номли университетига ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, алдаб, эвазига ундан жами 1.400 АҚШ доллари (15.271.354 сўм қийматга тенг) миқдоридаги пулларни қўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, жабрланувчи Р.Хасановга қиймати 15.271.354 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Қайд этилганларга кўра, судланувчи Э.А қасддан, такроран, фирибгарлик йўли билан ўзганинг жами 45.814.062 сўм миқдоридаги пул маблағини қўлга киритганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилган.

Судда, **судланувчи** тариқасида сўроқ қилинган **Э.А** айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2020 йилда Жиззах давлат политехника институтига қўшма таълим давлат дастури асосида ташкил қилинган бино ва иншоотлар қурилиши факултетига ўқишга кирганини, шундан сўнг 2022 йил 23 август куни Жиззах давлат политехника институти билан шартномага мувофиқ Россия Федерацияси Москва давлат қурилиш университети аҳоли ва саноат қурилиши факултетига ўқишини давом эттириш учун кетганини, ҳозирги кунда Россия Федерацияси Москва давлат қурилиш университети 4-босқич бино ва иншоотлар қурилиши факултети талабаси эканини, 2021 йил август ойининг охирларида олдиндан таниш бўлган маҳалласида яшовчи 2000 йилда туғилган Пиримов Шохрух Нодир ўғли билан Зафаробод тумани Бўстон маҳалласи худудида кўчада суҳбатлашиб қолган вақтида чет элда ўқиш қандай деб сўраганини, шу вақтида унга чет элга ўқишга кириш ва ўқиш бу ерга қараганда осонлигини айтганини, шунда у ҳам Қозоғистон Республикасига ўқишга кирмоқчи эканлигини айтиб қолганини, ушбу масалада ёрдам беришини сўраганида рози бўлганини, шунда унга ўқишга кириш харажатлари 1.400 АҚШ доллари бўлишини айтганини, у уйдагилар билан гаплашман деб кетганини, 2021 йил сентябрь ойи бошларида олдиндан таниш бўлган маҳалласида яшовчи Хасанов Рўзимурод Турсунбой ўғли билан Зафаробод тумани Бўстон маҳалласи худудида кўчада учрашиб қолганини, у ўртоғи Шохрухни Қозоғистон Республикасига ўқишга киришига ёрдам беряписиз экан мен ҳам кирмоқчиман деб айтганини, унга ёрдам беришини айтиб ўқишга кириш харажатлари 1.400 АҚШ доллари миқдорида бўлишини айтганини, 2021 йил сентябрь ойи бошларида Р.Хасанов билан гаплашган кунидан 3-4 кун вақт ўтиб, Зафаробод тумани Бўстон маҳалласи худудида кўчада, маҳалласида яшовчи олдиндан таниш бўлган Ширинов Фаррух ўвқиддин ўғли ёнига келиб ўртоғлари Шохрух ва Рўзимуродларни



Қозоғистон Республикасига ўқишга киритяпсиз экан ўқишга кирмоқчидан, ёрдам беринг, лекин оилавий шароитим ҳозир оғир, пул маблағини сал ўтиб бераман деб айтиб ктеганини, шундан сўнг орадан 2-3 кунлар вақт ўтиб Ш.Пиримов, Р.Хасанов ва Ф.Ширинов билан телефон орқали гаплашганини, уларга дастлабки хужжатларни тўғирлаш учун 200 АҚШ доллари миқдорида пулларни беришини сўраганини, орадан 2 кунлар вақт ўтиб Зафаробод тумани Бўстон МФЙ худудида Ш.Пиримовдан 200 АҚШ доллари, Р.Хасановдан 100 АҚШ доллари ва Ф.Шириновдан 150 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни ҳар бири билан алоҳида учрашиб олганини, шундан сўнг қолган пул маблағларини 2021 йил сентябрь ва 2022 йил июль ойлари давомида Ш.Пиримов, Р.Хасанов ва Ф.Шириновдан олганини, Қозоғистон Республикасига ўқишга киритиш мақсадида Зафаробод туманида яшовчи фуқаролар Ш.Пиримовдан жами 1400 АҚШ доллари, Р.Хасановдан жами 1400 АҚШ доллари ва Ф.Шириновдан жами 1400 АҚШ доллари жами 4200 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни ўқишга киритиш учун олганини, бироқ ҳеч қандай олийгоҳларга ўқишга киритмаганини, ҳақиқатдан ҳам уларни алдаб уларни ўқишга киритаман деб пулларини олиб ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганини, Қозоғистон Республикаси Чимкент шаҳридаги Мухтор Авезов Университетига киритмоқчи бўлганини, уларни ўқишга ўзи киритишини айтиб пулларини алдаб олганини, ҳозирги кунда уларга етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаш учун Жиззах вилоят ички ишлар бошқармаси депозит ҳисоб рақамига 42.419.000 сўм пулларни тўлаганлигини, қолган пулларини нақд пул шаклида қоплаб берганини, бошқа бундай ноқонуний ҳаракатларни содир қилмаслигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шу сабабли суддан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи **Э.Анинг** жинояти ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, судда сўроқ қилинган **жабрланувчи Ш.Пиримовнинг** 2021 йил сентябрь ойида олдиндан таниш бўлган Бўстон маҳалласида яшовчи Э.А қўнғироқ қилиб, “ўқишга кирасанми танишларим бор Қозоғистон Республикасида” деб айтганини, у ерга ўқишга кирса кейин Ўзбекистонга кўчириб беришини айтганини, харажати 200 АҚШ доллари бщлишини айтганини, орадан икки уч кун ўтиб унга айтган 200 АҚШ долларини Бўстон МФЙ Мустақиллик кўчасида жойлашган “Сокин тун” номли чойхонаси олдида берганини, орадан вақт ўтиб у ўқишга кирдинг деб айтганини, унга қани ўқишга кириш шартномаси деб қоғозини сўраганида у бўлди кирдиларинг ўқишингни кўчириб бераман деб айтганини, шундан сўнг у “500 АҚШ” доллари бер контрактингни тўлайман деб айтганини, декабр ойида ушбу пулни берганини, орадан вақт ўтиб 2022 йил январь ойида оралиқ имтиҳонларингни ёпаман деб яна “200 АҚШ” доллари олганини, пулни Э.Анинг яшаш хонадонига олиб бориб берганини, пул берганини дўсти Фарруҳ кўрганини, орадан анча вақт ўтиб апрель ойида Э.А билан



гаплашган вақтида унга ўқиш нима бўлаётганлигини сўраганида, у ўзи РФда эканлигини ва Жиззах Политехника институтига бориб у ерда ўқишини кўчириб келиши учун имтиҳон бўлишини айтиб у ерга юборганини, шундан кейин Фаррух иккаласи Жиззах Политехника институтига боришганини, уерда нотаниш бўлган бир фуқаро синфхонада Фаррух иккаласидан рус тилида тест олганини, тестни ишлаб бўлиб чиқиб кетганини, кейин ўқишга кирганлиги тўғрисида Э.А хеч қандай хужжат бермаганини ва кўрсатмаганини, у турли хил баҳоналарни важ қилиб алдаб келганини, у жами бўлиб 1400 АҚШ доллари пулларини турли жойларда бўлиб-бўлиб олганини, унга пулларни берган вақтида ҳар доим олдида Фаррух бўлганини, Фаррух ҳам унга пулларни берган вақтида унинг олдида бўлганини, у пул сўраган вақтида Фаррухдан ҳам сўраб келганини, Фаррух иккаласи ундан телеграмм ижтимоий тармоғи орқали ёзишиб ўқиш ҳақида ва пулларини қайтариб бериши тўғрисида сўраганлиги тўғрисидаги ёзишмаларнинг фотосурати Фаррух сақлаб қўйганини, ҳозирги кунда Э.Ага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлигини, шу сабабли унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни ва кечиришликни сўраб баён қилган кўрсатуви;

Судда сўроқ қилинган **жабрланувчи Ф.Шириновнинг** 2021 йил сентябрь ойида олдиндан таниш бўлган Бўстон маҳалласида яшовчи Эргашев Э.А билан гаплашиб қолган вақтида, у “ўқишга кирасанми танишларим бор Қозоғистон Республикасида” деб айтганини, у ерга ўқишга кирса кейин Ўзбекистонга кўчириб беришини маълум қилганини, харажатида 150 АҚШ доллари сўраганида рози бўлганини, орадан икки уч кун ўтиб унга айтган 150 АҚШ долларини Бўстон МФЙ Мустақиллик кўчасида жойлашган болалар боғчаси олдида берганини, унга пулларни берган вақтида ўртоғи Шохрух бўлганини, унинг ўзи ҳам у орқали ўқишга кираётган эканини, орадан вақт ўтиб у “ўқишга кирдинг” деб айтганини, унга “қани ўқишга кириш шартнома қоғози” деб сўраганида, у “бўлди ўқишга кирдиларинг ўқишингни кўчириб бераман” деб айтганини, шундан сўнг у “550 АҚШ доллари бер контрактингни тўлайман” деб айтганини, декабрь ойида пулни унинг уйининг олдида берганини, унга пулларни берган вақтида Шохрух бўлганини, кейин у “контрактингни тўладим” деб айтганини, орадан вақт ўтиб 2022 йил январь ойида “оралиқ имтиҳонларингни ёпаман” деб яна 200 АҚШ доллари олганини, пулни Э.Анинг яшаш хонадонига олиб берганини, пулларни Шохрухнинг иштирокида ва гувоҳлигида берганини, унинг берган пулларини ҳам кўрганини, у қанча пул сўраган бўлса Шохрухдан ҳам шунча сўраганини, иккаламиз бир хил сўммадан бериб борганини, орадан анча вақт ўтиб апрель ойида Э.А билан гаплашган вақтида, унга ўқиш нима бўлаётганлигини сўраганида у ўзи РФда эканлигини, Жиззах Политехника институтига бориб у ерда ўқишини кўчириб келиши учун имтиҳон бўлишини айтиб у ерга юборганини, шундан кейин Шохрух иккаласи Жиззах Политехника институтига борганини, у ерда нотаниш бўлган бир



фуқаро синфхонада Шохрух иккаласидан рус тилида тест олганини, тестни ишлаб бўлиб чиқиб кетганини, ўқишга кирганлиги тўғрисида у ҳеч қандай хужжат бермаганини ва кўрсатмаганини, у турли хил баҳоналарни важ қилиб алдаб келганини, у жами бўлиб 1400 АҚШ доллари пулларини турли жойларда бўлиб-бўлиб олганини, унга пулларни берган вақтида ҳар доим олдида Шохрух бўлганини, Шохрух ҳам унга пулларни берган вақтида унинг олдида бўлганини, у пул сўраган вақтида Шохрухдан ҳам сўраганини, иккаламиз ундан телеграмм ижтимоий тармоғи орқали ёзишиб ўқиш ҳақида ва пулларимизни қайтариб бериши тўғрисида сўраганлиги тўғрисида ёзишмалар олиб борганини, ҳозирги кунда Э.Ага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни сўраб баён қилган кўрсатуви;

Судда сўроқ қилинган **жабрланувчи Р.Хасановнинг** фуқаро Эргашев Э.Ани 2012 йиллардан бери танишини, у қўшни маҳалласида яшашлигини, 2021 йилнинг тахминан июль ойларида Э.А билан гаплашиб қолган вақтида, у Қозоғистон Республикасидаги институтларнинг бирига ўқишга киритиб қўйишини, бунинг учун унга 1500 АҚШ доллари пул бериши кераклигини айтганини, кейин унинг гапларига ишониб, анча йиллардан бери таниганлиги сабабли алдаб кетмаса керак деб ўйлаганини, шундан кейин орадан тахминан бир ҳафталар вақт ўтиб у бошидан 100 АҚШ доллари бериши кераклигини айтганини, ўзининг маҳалласида унга сўраган 100 АҚШ долларини берганини, шу билан орадан тахминан бир ойлар чамаси вақт ўтиб у Қозоғистон Республикасига ўқишга кирганлигини айтиб, унга шартнома тўлови учун 300 АҚШ доллари бериши лозимлигини айтганини, унинг гапларига ишониб ўзининг кўчасини бошида 300 АҚШ долларини берганини, унга дастлаб 100 АҚШ долларини берган вақтида ёнида Ш.Примов гувоҳ бўлганини, унга 300 АҚШ долларини берган вақтида эса ҳеч ким йўқлигини, шундан сўнг 2021 йилнинг декабрь ойи бошларида у олдида келиб ўқишининг биринчи семестри тугаганлигини, шу сабабли унга яна 100 АҚШ доллари бериши кераклигини айтганини, яна унга ишониб унинг уйига бориб 100 АҚШ доллари бериб келганини, шундан кейин 2022 йилнинг бошларида у яна ўқишга деб 100 АҚШ доллари, 2022 йилнинг ўрталарида шартномага деб 600 АҚШ доллари пулларни олганини, унга мазкур 600 АҚШ долларини ва 100 АҚШ долларини берган вақтида олдида ҳеч ким бўлмаганини, шундан кейин 2022 йилнинг ўрталарида у яна 300 АҚШ доллари пул сўраганини, ўқишини Жиззах политехника институтига кўчириб беришини айтганини, унинг гапларига яна ишониб 300 АҚШ долларини Зафаробод туман марказида берганини, жами бўлиб унга ўқишга киритиб қўйиши учун 1400 АҚШ доллари берганини, у Ш.Примов ва Ф.Шириновлардан ҳам 1400 АҚШ долларидан пул олганини, пулларини сўраб унга бир неча маротаба олдида борганини, ҳозирги кунда Э.Ага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, зарарлар



тўлиқ қоплаб берилганлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни сўраб баён қилган кўрсатуви;

Суд мажлисига кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган **гувоҳ Н.Маркаеванинг** Широнов Фаррух 2002 йилда Зафаробод туманида туғилган бўлиб учинчи фарзанди бўлишини, ўғли 2017 йили мактабни тамомлаб шундан бери ҳар йили ўқишга топшириб ўқишга кирмоқчи бўлиб юрганини, 2021 йилда у таниши Эргашев Э.Ажон Ойбек ўғли билан гаплашиб қолган вақтида у ўғлини Қозоғистон Республикасига ўқишга киритиб қўймоқчи эканлигини ва бунинг учун 1400 АҚШ доллари бўлишини айтиб, ишонтирганини, бундан ташқари Э.Анинг танишлари Ш.Пиримов ва Р.Хасановдан ҳам 1500 АҚШ доллари олган эканини, у ҳозирда пулларни қайтармасдан келаётганини, бу тўғрисида ўғлидан эшитганини, ўғлининг Э.Ага берган пулларини қайтариб олиб беришда амалий ёрдам беришликни сўраб баён қилган кўрсатуви билан;

Жиноят ишидаги жабрланувчиларнинг аризалари, тилхат, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва илова расми, юзлаштириш баённомалари, далилий ашё деб эътироф этиш қарори, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган ва судда текширилган бошқа ишончли далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотномасига кўра, 29.07.2023 йилда 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 10.908 сўм 11 тийинни ташкил қилишлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, Давлат органлари томонидан инсонга қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак;

29-моддасида, давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлаши, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак” деб кўрсатилган талабидан келиб чиқиб, суд судланувчи Э.Анинг содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топди.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи Э.Анинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил февраль кунидаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш



амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли қарорининг 3-бандига кўра, Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 3-бандида “Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради” деб;

Қарорнинг 7-бандида “Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайдан тугалланган деб топилади” деб;

Қарорнинг 19-бандида “Бунда фирибгарлик жиноятининг предмети бўлган валюта қимматликларининг қиймати жиноят содир этилган пайтдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигига нисбатан курси бўйича аниқланади” деб;

Қарорнинг 20-бандида “агар айбдор томонидан бир эмас, балки бир неча фирибгарлик ҳаракатлари содир этилиб, уларнинг ҳар бирида ўзганинг мулкни олишга йўналтирилган мустақил қасд амалга оширилган бўлса, талон-торож қилинган мулк қийматини қўшиб ҳисоблашга йўл қўйилмайди” деб;

Қарорнинг 30-бандида “Фирибгарлик билан боғлиқ жиноят ишларини судда кўришда жабрланувчига етказилган моддий зарарнинг қопланган-қопланмаганлиги масаласи синчковлик билан, тўла текширилиши лозим. Тушунтирилсинки, жиноят иши бўйича етказилган зарарни қоплаш мақсадида хатланган мол-мулкни ундирувга қаратилишининг ўзи жиноят натижасида етказилган зарарни қопланган деб ҳисоблаш учун асос бўлмайди. Судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, жабрланувчи суд мажлисида ўзига етказилган моддий зарарлар амалда қопланганлигини билдириб, ихтиёрий ёзма ариза тақдим қилганлиги натижасида моддий зарарлар қопланганлиги эътироф қилинган суднинг ҳукми (ажрими) кейинчалик жабрланувчининг ушбу зарар қопланмаганлиги ҳақидаги важи асосида юқори инстанция судлари томонидан суд ҳукми (ажрими)нинг бекор қилинишига ёки ўзгартирилишига сабаб бўлмайди” деб раҳбарий тушунтиришлар берилган.



Суд, судланувчи Э.Ага нисбатан жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчиларга етказилган зарарлар тўлиқ бартараф этилганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарларнинг тўлиқ қопланганини инобатга олиб, ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмидаги “Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” дейилган ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 16-бандининг иккинчи хатбошисидаги жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиқиши лозимлиги, бунда чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва ҳоказолар инобатга олиниши лозимлиги ҳақидаги талабларидан келиб чиқиб, унга нисбатан жиноий ҳаракати квалификация қилинган ЖКнинг моддаси санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, Э.Ага нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни ҳамда Жиззах вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига қўйилган 7.000.000 сўм пулларни гаровга қўювчи Э.Ага қайтаришни лозим топади.

Суд, жиноят натижасида жабрланувчилар Ф.Ширинов, Ш.Примов ва Р.Хасановларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини инобатга олишни, иш бўйича Жиззах вилоят ИИБнинг Ипотека банк АТИБ Жиззах вилоят филиали депозит ҳисоб рақамидаги 42.419.000 сўм пуллардан жабрланувчи Ф.Шириновга 14.140.000 сўм, жабрланувчи Ш.Примовга 14.139.500 сўм ва жабрланувчи Р.Хасановга 14.139.500 сўм пул маблағларини ҳукм қонуний кучга киргач қайтаришни лозим топади.

Иш бўйича ашъвий далил деб эътироф этилган жами 1 дона дискни жиноят иши ҳужжатлари билан қўшиб сақлашни лозим топади.

Суд, иш бўйича манфаатдор тарафларга жиноят оқибатида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни судланувчилардан ундириш ҳамда ушбу жиноят ишига таъъллуқли бўлган бошқа низоларни ҳал қилиш учун умумий асосларда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-474-моддаларига асосланиб, суд ҳукм қилади



ҲУКМ :

Э.А Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилсин.

Э.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Зафаробод туман ИИБ Пробация гуруҳи томонидан белгилаб берадиган жойларда ўташ белгилансин ва жазо муддати ҳукм қонуний кучга кириб Э.А жазони ижро этиш учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотда иш бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Зафаробод туман ИИБ Пробация гуруҳи бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач Э.Ага нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин, Жиззах вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамидаги 7.000.000 сўм пуллар гаровга қўювчи Э.Ага қайтарилсин.

Э.А томонидан жабрланувчилар Ф.Ширинов, Ш.Пиримов ва Р.Хасановларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, иш бўйича Жиззах вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамидаги 42.419.000 сўм пуллардан жабрланувчи Ф.Шириновга 14.140.000 сўм, жабрланувчи Ш.Пиримовга 14.139.500 сўм ва жабрланувчи Р.Хасановга 14.139.500 сўм пул маблағлари ҳукм қонуний кучга киргач қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган жами 1 дона дискни жиноят иши ҳужжатлари билан қўшиб сақлансин.

Иш бўйича манфаатдор тарафларга жиноят оқибатида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни судланувчидан ундириш ҳамда ушбу жиноят ишига таъллуқли бўлган бошқа низоларни ҳал қилиш учун умумий асосларда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан йигирма сутка ичида жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман суди орқали Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти беришга ва протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи
Аслига тўғри :-

имзо

Ж.Бахронов

